

"Ўзбеккино" буюртмасига асосан 101 ёшли онахоннинг умр йўли хақида ҳужжатли фильм суратга олинди

09 октябрь 2015



9 октябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Умр бекатлари» ҳужжатли фильми тақдимоти бўлиб ўтади. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига асосан Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган ҳужжатли фильм қаҳрамони – асли шахрихонлик, айни кунларда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган, бу йил 101 баҳорни қаршилаган Ҳалима ая Қаюмовадир.

«Ҳужжатли фильм зерикарли асар дегани эмас. Унда албатта бадиийлик унсурлари бўлиши керак», – дейди фильм режиссёри Музаффар Эркинов. Сценарий муаллифининг қайд этишича, Ҳалима аянинг ибратли умр йўли ёшларга ўз касбига садоқат, танлаган йўлида собитқадам бўлиш, меҳр-муҳаббат, фидойилик жиҳатлари билан намуна бўла олади.